

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 49 (1113) • 2016-yil, 25-noyabr, juma

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Наримон Умаровга овоз беринг!



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
САЙЛОВИ — 2016

4 декабрь
ЯКШАНБА

9 кун қолди

Аҳоли манфаатларини қимоя қилувчи қонун лойиҳалари депутатлар эътиборида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг навбатдаги йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2016 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Наримон Умаровнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашуви

Мамлакатимизда шу йилнинг 4 декабрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига санокли кунлар қолмоқда. Албатта, ҳар бир сиёсий партия Президентликка кўрсатган ўз номзодининг сайловда муваффақият қозонишини истайди ва шу мақсадда сайлов қонунчилиги доирасида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаркат қилади.

Айни кунларда кизгин давом этаётган сайловда ташвиқот тадбирлари партиялараро сиёсий рақобат янада кучайганини яққол акс эттиряпти, номзодларнинг ҳар бири халқ ишончини қозониш, кўпчилик сайловчиларнинг овозини олишга эришиш учун курашмоқда.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг барча бўғиндаги тузилмалари, партия депутатлари, фаоллари кутаринки руҳда ва уюшқоқлик билан

юртимиз аҳолиси ўртасида ташвиқот ишларини яққол савияда олиб боришмоқда. Барча сафдошларимиз сафарбар қилинган бу муҳим сиёсий жараёнда партиямиз хайрихоҳлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Президентликка кўрсатилган номзод Наримон Умаров сайловда ташвиқот тадбирлари доирасида навбатдаги учрашувларни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти сайловчилари билан ўтказди. Барча ҳудудларда бўлгани каби мазкур учрашувлар ҳам замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда видеоконференция тарзида ташкил этилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятининг барча шаҳар ва туманларидан минглаб сайловчилар партия номзоди билан очик мулоқот қилиш имконига эга бўлишди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Жорий йилнинг 21 ноябрь куни Президентликка номзод Наримон Умаров Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашди.

Шуманай туман ҳокимияти мажлислар залида онлайн конференция мулоқот тарзида бўлиб ўтган учрашувда шаҳар ва туманлардан жамоатчилик вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ёшлар ва хотин-қизлар, партия аъзоларидан иборат жами 3200 нафарга яқин сайловчи иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Е.Кунназаров олиб борди. Партиямиз номзодининг ишончли вакили, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари Р.Отарбаев

учрашув иштирокчиларини Н.Умаровнинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти билан яқиндан таништирди.

Наримон Умаров ўз маърузасида, аввало, истиқлол йилларида қорақалпоқ халқининг бирдамлик билан қилган меҳнатлари самараси ўлароқ, бугун Қорақалпоғистон иқтисодиётининг турли соҳаларида ўз ўрнига эга минтакалардан бирига айланганини эътироф этди. Ушбу ҳудудда барпо этилган Қўнирот сода заводи ҳамда Устюрт газ-кимё мажмуаси нафақат минтака, балки мамлакатимиз иқтисодиёти юқалишида муҳим аҳамият касб этаётгани, энг асосийси, мана шундай бунёдкорлик ва яратувчилик ишларини қорақалпоғистонликлар ўз қўллари билан яратганлиги ҳақидаги фикрларини учрашув иштирокчилари мамнулик билан қабул қилишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида ғоят муҳим ўрин тутадиган ижтимоий-сиёсий тадбир ҳисобланади. Айни пайтда бошқа сиёсий рақобатчилари қатори Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан номзод Наримон Умаров ҳам ўзининг сайловда дастурини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишга қаратилган сайловда ташвиқотини кизгин давом эттирмоқда.

Замонавий, юксак интеллектуал салоҳиятга эга кадрлар — жамият барқарор ривожланишининг кафолати

Жойларда ўтказилаётган юзма-юз мулоқотларда Наримон Умаровнинг сайловда дастурини ўзин олган устувор вазибалар каторида ижтимоий соҳага, хусусан, эртаимиз эгалари бўлган ишларнинг саломатлиги, таълим-тарбияси ва ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишга қаратилган роля ҳамда ташаббуслар кенг жамоатчилик кизиқишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, Наримон Умаров адолатли жамиятнинг пойдевори сифатида кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали келажак авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишишга қаратилган давлат ижтимоий дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этишни мақсад қилган.

Номзодимиз дастурда, айниқса, таълим тизимида чуқур эътибор берилгани ҳолда, «Замонавий, юксак интеллектуал салоҳиятга эга кадрлар — жамият барқарор ривожланишининг кафолати» госяси асосида мамлакатимиз ёшларининг келажати ҳамда тақдирини дахлдор долзарб тақлифлар илгари сурилмоқда.

ПАРЛАМЕНТДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг фракциясининг «Ижтимоий барқарорликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш, жамоат назоратини кучайтириш масалалари» мавзусида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни фракция раҳбари Наримон Умаров олиб борди.



Демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш бош мақсадимиз

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, «Махалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси, Экологик ҳаракат ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда қайд этилганидек, мамлакатимизда аҳолининг кенг қатламлари ҳамда турли гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қиладиган фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг шаклланиши ва ривожлани-

ши учун мустаҳкам ҳуқуқий база ва уни амалга ошириш механизмлари яратилган.

Бинобарин, Бош қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир асосий принциплар мустаҳкамлаб қўйилиши, шунингдек, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамиятига кенг имконият яратилишига оид меъёрларнинг мавжудлиги фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тартибга солувчи қўллаб-қувватловчи ҳужжатларнинг қабул қилинишига замин яратди.

Дастурдаги таклифлар маъқул бўлмоқда

Президент сайлови куни тобора яқинлашмоқда. Албатта, ташвиқот тадбирларининг юқори савияда, аҳолининг турли қатламлари-ни қамраган ҳолда, сайловчиларнинг манфаатларини ўзида мужассам этган тарзда ўтказилиши ўз натижасини бериши табиий. Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакиллари ҳудудларда сайловчилар билан бўлиб ўтаётган учрашувларда ана шу муҳим ва ҳал қилувчи жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишарди. Тадбирларда корхона ва муассасалар, жамоат ташкилотлари ходимлари, турли касб эгалари, маҳаллалар аҳли, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишмоқда.

Ижтимоий зарурат аниқ вазифалар ижросини тақозо этади

Бухоро вилоятининг маркази ва бир қатор туманларида Президентликка номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакили, Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси Асрор Турсунов сайловчилар билан учрашди.

Учрашувларда А.Турсунов сайловчиларни партиямиз номзодининг таржimai холи ва сайловоди дастури билан батафсил таништирди. Жумладан, Когон тумани мусика ва санъат мактабида бўлган тадбирда А.Турсунов замонавий, юқори интелектуал кадрлар жамият барқарор ривожланишининг кафолати эканлиги, шунингдек, таълим-тарбия соҳасида узвийликни таъминлашга доир қатор долзарб вазифалар дастурдан ўрин олганини эътироф этар экан, бу борада Бухоро вилоятидаги талаб ва эҳтиёжларга сайловчилар эътиборини қаратди. Партия номзоди томонидан ҳудудларнинг муайян иқтисодий устуликларидан келиб чиққан ҳолда, пойтахтда жойлашган олий таълим муассасаларини тегишли ҳудудларга босқичма-босқич кўчириш ҳақида илгари сурилган таклифларнинг аниқ таҳлили йиғилганлар диққатини жалб этди. Сайловчилар ушбу йўналишдаги чора-тадбирларнинг айнан Бухоро вилояти билан боғлиқ жиҳатларига қизиқдилар. Шу билан бирга, иштирокчилар вилоятда коллеж ва лицейларни биттирган ёшларнинг иқтидорини баланд эканлини айтиб, партия номзодининг дастурида олий таълим муассасаларига қабул қилинганда квоталар тизимини қайта кўриш масаласи кўтарилгани аниқ мудоао бўлганини қайд этди. Сайловчиларнинг фикрича, ушбу таклифларнинг амалга ошириш иқтидорли ёшларнинг олий таълим олиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда янада кенг имкониятларга йўл очади.

Ишончли вакил сайловчиларнинг барча саволларига атрофлича жавоб қайтарди ва уларнинг ижтимоий ҳаёт талабларидан келиб чиқиб билдирган таклифлари, албатта, инобатга олиншини таъкидлади.

— Иш билан бандлик ҳар бир мутахассис, меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсон учун энг муҳим масала ҳисобланади, — дейди биз билан суҳбатда Вобкент туманидаги "Кулолчи" МФЙ раиси Аҳмадjon Раҳматов. — Хусусан, касб-хунар коллежларини таъминлаган ёш мутахассислар билан тузилган турт томонлама шартномаларнинг тўлалигича ижросини таъминлаш долзарб вазифалардан биридир. Партия номзодининг дастурида бу борада амалиётда кузатилаётган муаммоларнинг олдини олиш, коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ҳақида фикрлар келтириб ўтилганлиги эътиборга молик.

— Вилотимизда тиббиёт соҳасига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, малакали шифокорларимиз ҳам ўзларининг иш фаолиятини самарали олиб боришмоқда. Оилавий поликлиникаларда яратилган шароитлар жуда яхши. Айниқса, болаларни турли касалликларга қарши эмлаш, фарзандларимиз соғлигини асрашга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, Бухоро шаҳридаги "Соҳибкор" маҳалласида истиқомат қилаётган пенсионер Гулзадон Бобоева. — Бирок беморнинг соғайиши фақатгина шифокорнинг малакали хизматига эмас, дорихоналардан врачнинг тавсиясига кўра харид қилинган дори-дармонларнинг сифатига ҳам боғлиқдир. Чунки малакали тиббий хизматнинг натижаси бемор қабул қилган дори воситасининг таъсирида намоён бўлади. Аммо баъзи дорихоналарда сифатсиз ёки қалбақлаштирилган дори воситаларини сотиш ҳолатлари учрайди. Бу эса шифокор учун ҳам, бемор учун ҳам нохуш ҳолат, албатта. Беморга, айниқса, болалар ва кексаларга сифатсиз дори-дармонлар янада кўпроқ зиён беради. Бир неча йил бочада иллаганин учун болалар соғлиги нималарга боғлиқлигини яхши билман. Наримон Умаровнинг дастурида шу каби муаммоларнинг олдини олиш бўйича амалий чора-тадбирлар келтирилганлиги диққатини тортди. Одамларни ўйлантираётган ҳаётини заруратдан келиб чиқиб, бу каби вазифаларнинг белгилангани учун номзоднинг дастурини қўллаб-қувватлайман.

Моҳиғул АБДУЛЛАЕВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Мамлакатимизда қизгин давом этаётган сайлов кампаниясида республикамизнинг барча ҳудудлари қатори пойтахтликлар ҳам фаоллик билан иштирок этишмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Наримон Умаровнинг сайловоди дастурида адолатли фуқаролик жамияти куриши, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, мамлакатда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш, ёшлар ва аёллар, коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш, "рақобат — мумкин қадар, давлат бошқаруви — зарурат қадар" каби мамлакат келажакини белгиловчи муҳим тамойил ҳамда масалалар қамраб олинганлиги сайловчиларни бефарқ қолдирмайпти.

Президентликка номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакили, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ кўлемалари маркази директори Нейматилла Муҳамедовнинг Учтепа, Миробод, Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Юнусобод ҳамда Олмазор туманларида сайловчилар билан учра-

— Номзод дастурида ижтимоий йўналишда белгиланган вазифалар менга жуда маъқул бўлди, — деди Тошкент ирригация ва мелiorация институти талабаси Фаёз Тошев. — Айниқса, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш, бу борада квоталар тизимини қайта кўриб чиқиш масаласида илгари сурилган таклифлар ота-оналарга ҳам, ёшларга ҳам бирдек манзур бўлишига ишонман. Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда республикамиздаги олий ўқув юртининг яримдан кўли пойтахт-тимизда жойлашган. Республиканинг узок вилотларидан келиб пойтахтга ўқишга эса ҳам-манинг ҳам имкони йўқ. Бу масала хусусида партия номзодининг дастурида қайд этилган. Ушбу масаланинг аниқ ечимлари юзасидан қандай таклифлар билдирилмоқда?

— Мазкур масалани ижобий ҳал этиш юзасидан биз ҳудуд-



мизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интернет тизимидан аҳолининг фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бораётганидан келиб чиқиб, масофадан туриб таълим беришнинг замонавий шакллари жадал суръатлар билан ривожлантириш таклифлари илгари сураямиз. Чунки, ривожланган давлатларда ушбу тизимдан самарали фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, меҳнат ре-

даги таълим ёшларга ҳам тезкор, ҳам ишдан узилмаган ҳолда касб-хунар эгаллашга, меҳнат бозори эҳтиёжига қараб касбга қайта йўналтиришга ёрдам беради.

Шунингдек, Тошкент тиббиёт академиясида Олмазор тумани сайловчилари билан учрашув ҳам қизгин руҳда ўтди.

— Партиямизнинг дастурий қояларидан келиб чиққан ҳолда, энг аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, ҳар бир фуқаро учун муносиб туриш шароити яратишни максат қилар эканмиз, бу вазифани иқтисодий ислохотларнинг навбатдаги босқичга кўтариш ҳамда замонавий билимга, кенг дунёқарашга эга малакали кадрларни кўпроқ тайёрлашга оққали удаллаш мумкинлигини яхши англаймиз, — деди Н.Муҳамедов. — Шунингдек, мамлакатимизни янада модернизация қилишда инновацияга асосланган иқтисодиётни барно этиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада жадаллаштириш, аҳолининг барча ижтимоий қатлами сифатли тиббий хизматдан фойдаланишига имкон яратиш, жамиятда адолат, айниқса, қонун, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини устуворлигини таъмин-

лаш республикамиз тараққиётининг долзарб масалалари сифатида биз учун бирламчи вазифа ҳисобланади.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили учрашув иштирокчиларининг кўлаб саволларига жавоб қайтарди. Жумладан, жамиятимизда хали хануз учраб турадиган адолатсизлик, коррупция ва бюрократия каби иллатларга қарши айнан қандай усул ва воситалар орқали куралиши, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш борасидаги чора-тадбирлар, экология ва атроф-муҳит ҳимоясига доир режалар ҳақида берилган саволлар ҳамда уларга ишончли вакилнинг батафсил жавоблари барчанинг диққатини ўзига жалб этди.

Учрашувда партия фаоллари фикр-мулоҳаза билдириб, пойтахт-тимиз сайловчиларини шу йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда фаол иштирок этишга ҳамда Наримон Умаровга овоз беришга қачирдилар.

Феруз ЖўРАЕВ,
Тошкент шаҳор кенгаши
матбуот котиби



шувлари самимий ва очик мулоқот тарзида бўлиб ўтди.

Хусусан, Мирзо Улуғбек туманидаги 2-шаҳар болалар жаррохлик шифохонасида бўлган учрашувда ишончли вакилга берилган саволлар ва уларнинг жавоблари барча иштирокчиларда катта қизиқини уйғотди.

ларнинг муайян иқтисодий устуликларидан келиб чиққан ҳолда пойтахтда жойлашган олий таълим муассасаларини тегишли ҳудудларга босқичма-босқич кўчиришни таклиф қилаямиз, — деди номзоднинг ишончли вакили Н.Муҳамедов. — Шунингдек, бугунги кунда мамлакат-

сурларидан фойдаланишда иш берувчининг бозор талабларига тезкор мосланишига кўмаклашиш мақсадида қисқа муддатли ўқув курсларини ташкиллаштирувчи давлат ва нодавлат касб таълими тизимини янада ривожлантиришни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Чунки, ушбу тур-

Самимий мулоқотлар кўпчиликда хайрихоҳлик уйғотмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг Самарқанд вилоятидаги ишончли вакили Муҳиба Бобобоеванинг сайловчилар билан учрашувлари ҳар гал қизгин ва самимий мулоқотларга бой бўлмоқда.

Тадбир қатнашчиларининг саволларига "Адолат" СДПнинг мамлакатимиздаги ислохотларда бевосита иштирокидан келиб чиққан ҳолда жавоб қайтарилаётгани, муаммоларни ҳал этиш хусусида аниқ таҳлил ва ҳулосаларга таяниб фикр юритилаётганлиги боис ўртага ташланаётган масалалар кўпчиликнинг қизиқшишга сабаб бўлмоқда.

Тайлоқ туманида бўлиб ўтган учрашувда ишончли вакил М.Бобобоева дастлаб номзоднинг таржimai холига оид маълумотлар, унинг сиёсий раҳбарга хос етуқ

фазилатлари билан сайловчиларни таништириб, номзод дастурининг партия қоялари билан сўзориёлганлиги жамиятдаги ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини манфаатларига нечоғлик мос келиши ҳақида фикр юритди.

Сайловчилар вакиллари қайд — "Маданият" кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қ.Ражабов фикр билдириб, Президентликка номзод жамоат ташкилотлари ва давлат органлари ўртасида муносабатларни, хусусан, ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг қандай муҳим асосий механизмларини таклиф этаётганлигини су-



риштирган бўлса, "Пайшанба сиёб" маҳалласи фаоли Т.Мажидова жамоат транспорти ва коммунал соҳадаги хизматини тақомиллаштиришда, ҳар икки йўналишда тўловларни амалга оширишда адолат меъёрларига мос иш юритишга жамоатчилик назоратининг таъсир-

чанлигини ошириш имкониятлари билан қизиқди.

Ишончли вакил ҳар иккала саволга аниқ жавоб қайтариб, партия раҳбарининг Президентликка номзодини қўллаб-қувватлаш ижтимоий ва иқтисодиётини янги имкониятларини яратиши, давлат бош-

қарувида очикликни ва шفافликни тўлиқ таъминлашни қайд этди.

Кўшработ туманида ўтказилган учрашувда номзоднинг таржimai холи ва дастуридан хабардор бўлинган, сайловчилардан — "Холназар" маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Тўхтаров

тиббий хизмат даражасини янада яхшилаш борасида номзоднинг аниқ таклифлари билан, педагог Сайёра Эшматова эса таълим соҳасида инновацион қояларни қўллаш самарадорлигини оширишга доир қўзда тутилган вазифалар юзасидан берган саволларига жавоб олди.

Президентликка номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакили, вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи М.Бобобоеванинг Пайарик, Жомбойи, Каттакўрғон туманларида сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлари партиямизнинг сиёсий позицияси электорат ва фуқароларнинг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланаётганини намоён этди.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
"Adolat" муҳбири

Партия номзодининг ишончли вакили, Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот котиби Комил Саҳатовнинг Миршкор, Қарши, Касби туманлари сайловчилари билан учрашуви самимий ва очик мулоқотлар тарзида ўтди. Унда маҳаллалар аҳли, ўқитувчи ва шифокорлар, маданият соҳаси, банк муассасалари ходимлари, фермерлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Миршкор туманидаги "Помук" маданият саройида ўтказилган учрашувда ишончли вакил партиямиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Наримон Умаровнинг сайловоди дастурида илгари сурилган муҳим вазифалар, асосий йўналишларнинг туб моҳияти ҳақида сўз юритди.

Туман партия кенгаши раиси Саодат Қошилова, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими мутахассиси Марзия Эргашева, тумандаги 23-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Махбуба Авазова ва бошқалар мамлакатимиз

аҳолисининг асосий қисми кишлоқ жойларида истиқомат қилаётганлигини инобатга олиб, уларнинг турмуш даражасини янада ошириш, иқтисодиётга инновацион янгиланган кенг қўллаш эвазига кичик корхоналар ташкил этиб, аҳоли бандлигини ошириш, ҳудудларни янада ривожлантиришга доир ҳаётини вазифалар ҳақида партия номзодининг дастурида таклифлар билдирилганлиги эътироф этди.

Учрашувда сайловчилар Президентликка номзоднинг ишончли вакилига мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсати ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли

соҳаларига оид ўзларини қизиқтирган қўлаб саволлар билан мурожаат қилдилар. Хусусан, тумандаги 37-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Элёр Овлақулов, "Помук" маданият саройи ходими Тоғагул Алдаева ва бошқалар тиббий хизматини тақомиллаштириш, транспорт хизмати яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш борасидаги ҳал этилмаган муаммоларга ишончли вакилнинг муносабати билан қизиқдилар.

Ўз навбатида, ишончли вакил иқтисодиётдаги юксалишлар натижасини ижтимоий ҳаётини фаровонлаштиришга йўналтириш, инновацион технологияларни таълимга, кишлоқ ҳўжалигига кенг жорий этиш, сиёсий партиямиз

ва нодавлат, жамоат ташкилотларининг назоратчилик функциясини қучайтириш орқали муаммоларга ечим топиш мумкинлигига сайловчилар эътиборини қаратар экан, партия номзодининг дастурида бу масалалар юзасидан аниқ вазифалар ўрин олганини қайд этди. Шунингдек, туманлар аҳолисини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг мўқобил лойиҳаларини кенг қўллаш, қуёш батареяларини аҳоли харид қилишга мос равишда ишлаб чиқариш, янги ижтимоий объектилар қурилишида энергияни тежайдиган, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишнинг имконини берадиган ин-

новацион тизимларни жорий этиш зарурлиги хусусида фикр билдирди. Бу борадаги қонунийлик базисини мустаҳкамлаш Президентликка номзод Наримон Умаровнинг дастуридан ўрин олганини эътироф этиб ўтди.

Ишончли вакилнинг Қарши туманидаги сервис ва тадбиркорлик коллежиде, Касби туман тиббиёт бирлашмасида сайловчилар билан учрашуви ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Учрашувларда сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бирга ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини ҳам баён этишмоқда.

Базан бирор шифохонада кўрсатилган тиббий хизмат сифатини қониммаслик ҳолатлари учрайди, — деб ўз фикрини баён

қилди Касби туманидаги 56-умумтаълим мактаби директори Маърифат Шарипова. — Табиийки, бундай пайтда бемор пойтахт-тимиздаги тиббиёт муассасаларига бориб даволашни маъқул қўради. Аммо бу анча харажат талаб қиладиган масала. Айтайлик, пойтахтдаги бирор шифохонага боргач, шифокор "қайта операция қилиш керак", деганида беморнинг ҳолатини тасаввур қилиш қийин эмас. Партия номзодининг дастурида тиббий ёрдам сифатини яхшилаш хусусида фикрлар борлиги аниқ мудоаодр. Шу билан бирга, бу борада белгиланган аниқ вазифалар қаторида ҳудудлардаги даволаш муассасаларининг моддий-техник базисини мустаҳкамлаш, уларни янги технологиялар билан

таъминлаш, ходимларнинг янги технологиялардан фойдаланиши юзасидан билимларини оширишга ҳам эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир.

Ишончли вакил халқимиз соғлигини асраб-авайлаш доимий вазифамиз экани, фуқароларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этиш, инсон манфаатлари учун хизмат қилиш, жойларда ўртага ташланган таклифлар юзасидан амалий ишлар қилиш партия номзодининг фаолиятида етакчи ўрин тутганини қайд этди. Комил Саҳатов учрашувларда Президентликка номзоднинг асосий мақсади Ватанимиз тараққиёти, шаҳар ва кишлоқларимиз гуллаб-яшнаши, мустақил юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига хизмат қилувчи дастурлар тайёрлаш, баркамол авлод тарбияси йўлида иш олиб боришдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Маҳлиё САЛОМОВА

Замонавий, юксак интеллектуал салоҳиятга эга кадрлар –

жамият барқарор ривожланишининг кафолати

Давоми. Бошланғичи 1-бета

Биз бугун XXI асда – интеллектуал меҳнат бирламчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асрида, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси ҳамда кескинлиги тобора ортиб бораётган бир даврда яшаётганимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур, албатта. Шундай экан, Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори таълим соҳасини ҳам янада такомиллаштириб боришни даврнинг ўзи тақозо этаётган.

Инсон капитали мамлакатнинг муҳим миллий бойлигидир ва биз унинг ҳар томонлама кўпайиши ҳамда тараққиётини, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка эга, юртимизни модернизация қилиш ва демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ҳамда кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларига сadoқатли янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини принципиал ҳамда ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб биламиз.

Биз ўз олдимизда санoати юқори даражада ривожланган, иқтисодий фан-техника ютуқлари ва инновацияга асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, олий мактабларни тамомлаган, замонавий билимга, кенг дунёқарашга эга малакали кадрларни кўпроқ тайёрлашга эътибор қаратамиз.

Чунки олий маълумотли инсон давлатдан иш сўраб, ёрдам кутиб ўтирмайди, балки ўзининг ташаббускорлиги, зукколиги ҳамда ундабуронлиги, янгиликка интилуванлиги билан янги иш ўринлари яратди, мамлакатнинг ривожланишида фаол иштирок этади.

Шундан келиб чиқиб, номзодимиз томонидан илгари сурилётган аҳолининг олий таълим билан қамраб олиншини кенгайтириш, қолаверса, таъ-

лим ва тарбия соҳасида узвийликни таъминлашга доир устувор вазифалар бугунги кунда таълим тизимида мавжуд бўлган, аҳолини ўйлантириб келаятган аниқ масалалар ечимига қаратилган.

Хусусан, Наримон Умаров халқ таълими тизимидаги илохотларнинг давоми сифатида умумтаълим мактабларида ижтимоий адолат ҳамда тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиш, битта синфда таълим оладиган ўқувчилар сонини оптималлаштириш ташаббусини илгари сурмоқда. Бу ҳақда гап кетганда, шунини айтиш лозимки, ушбу тақлиф кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Яъни мазкур ташаббус Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракатлар Дастури ижроси доирасида ишлаб чиқилиб, ўтган даврда Самарқанд ва Андижон вилоятларида тажриба тарқатишга амалга оширилган "Мактабда ижтимоий тенглик масалалари" лойиҳаси асосида аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилиши, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ташкил этиш орқали бу борада ечимини кутаётган масалалар чуқур ўрганилди. Ушбу лойиҳа доирасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида мактабларда ягона мактаб формасини жорий қилиш, ижтимоий муҳитни соғломлаштириш ва синфларда ўқувчилар сонини мақбуллаштиришга доир тақлифлар киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.


Қолаверса, номзодимиз дастурида электрон ўқув-таълим дастурлари ҳамда мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини ошириш ҳамда таълим муассасаларида тиббий хизмат даражасини юксалтириш тақлифлари ҳам бидирилганки, бу ўқувчи-ёшларнинг замон талаблари даражасида сифатли билим олишлари ҳамда улар-

нинг саломатлигини сақлашдек эзу мақсадларга қаратилган. Бу борада номзодимиз томонидан илгари сурилётган умумтаълим мактабларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш режаси ҳам узок истиқболга мўлжаллангани билан аҳамиятлидир.

Ўз навбатида, Наримон Умаров келажакда мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, "инновация ва билимга асосланган иқтисодиёт"га ўтиш эҳтиёжлари ҳамда аҳолининг демографик ўсиши ва бошқа жараёнларини инобатга олиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлик даражасини босқичма-босқич ошириб бориш, давлат ҳамда хусусий сектор маблағлари энгиз таълим грантлари ажратиш тизimini такомиллаштириш тақлифини илгари сурмоқда.

Бу масала ҳам юртимиз ёшларининг олий таълим олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг озу-истакларини рўйбега чиқаришга қаратилгани билан эътиборга моликдир. Чунки сўнгги йилларда мамлакатимиз аҳолиси сонининг ўсиб боришига муносиб равишда олий ўқув юртиларида ўқиш учун талабгор ёшлар сонини ҳам тобора ошмоқда. Бу борадаги рақамларни таҳлил қилганда бўлсак, 2012 йилда олий таълим муассасаларига абитуриентлардан жами 432 мингдан зиёд ариза қабул қилиниб, бир ўринга ўртача 7,6 киши даъвогарлик қилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич рекорд даражага етиб, олий таълим муассасаларига 663 298 нафар абитуриент ҳужжат топшириб, 1 ўрин учун ўртача 11,51 талабгор кураш олиб борди.

Бошқача айтганда, бугунги кунда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда квоталарнинг мавжудлиги сабаб аҳолининг олий таълим билан қамраб олинishi даражаси, бор-йўғи, 9 фоизга тенг бўлиб



турибди. Бизнинг фикримизча, бу етарли эмас.

Шундан келиб чиқиб, Президентликка номзод Наримон Умаровнинг олий таълим муассасаларига қабул қилишдаги квоталар тизimini кайта кўриб чиқиш, барча талабгорларга олий таълим олиш ҳуқуқини бериш орқали иқтисодий ёшларни танлаб олиш сифатини оширишга доир тақлифни кенг сайловчилар оммаси, хусусан, ёшлар ва ота-оналар томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда. Демак, номзодимиз бу борада ҳам одамларнинг аниқ кўнглидаги масалани кўтаргани аён бўлаётти.

Шу билан бирга, мамлакатимизда олий таълим тизimini такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётганига қарамадан, соҳада бир қатор фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд.

Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, инновациявий ишланмаларни яратиш, бу борада тижорат-ишларини йўлга қўйиш ва уларни ҳаётга жорий этишда технопарклар муҳим роль ўйнамоқда. Уларда тадқиқотчилар, университетлар ва корпорациялар ўртасида технологиялар ҳамда билимлардан

ўзаро фойдаланиш инфратузилмаси яратилади ва бу, ўз навбатида, янги инновацион компанияларнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига хизмат қилади.

Айни шу жиҳатдан, Наримон Умаров олий ўқув юртиларининг мустақиллиги, инновацион инфратузилмасини ва илм-фан, санoат ҳамда иқтисодийнинг реал тармоқлари билан алоқасини кучайтириш, улар базасида кичик инновацион корхоналар тузишни рағбатлантириш, тажриба ва экспериментал ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўқитувчилар ҳамда ходимларнинг инновацион фаоллигини ошириш масаласини кўтариб чиқаётгани аҳамиятлидир. Ушбу мақсад доирасида ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда бирлашмаларининг инновацион фаоллигини рағбатлантириш, илмий излашни ва ишланмалар рақобатдошлигини кучайтириш масаласи ҳам устувор вазифа сифатида белгиланди.

Бугунги кунда хорижий тилларни пухта эгаллаётган, дунёқараш кенг, ўзининг мустақил фикрига эга ёшларда хориждаги нуфузли олий таълим муассасаларида таҳсил олишга

бўлган қизиқиш ошаётганини ҳам кузатиш мумкин. Сўнгги йилларда юртимизда халқаро таълим ҳафталиклари мунтазам равишда ўтказилаётгани, унда ривожланган давлатлар таълим муассасаларининг тақдиротларини ташкил этилаётгани, табиийки, иқтисодий ёшларнинг чет элда ўқишга бўлган интилишларини оширмоқда. Аммо бугун хорижий таълим муассасаларида ўқиб кайтган йигит-қизларнинг республикамизда ўз дипломи бўйича ишга жойлаштиришда муайян қийинчиликлар мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг сайловолди дастурида бошқа муҳим соҳа ва тармоқлар қаторида, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳаётига бевосита дахлдор бўлган ижтимоий масалалар ҳам кенг ўрин олган бўлиб, уни яқин ҳамда узок истиқболда изчил ривожлантириш бўйича аниқ вазифа ва мақсадлар белгилангани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис сайловчиларни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод – Наримон Мажитович Умаровга овоз беришга қорал қоламиз.

Алишер ШОДМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси,
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Халқаро кузатувчилар билан суҳбат

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик тобора қизгин тус олмақда. Демократия ва фуқаролик жамияти мустаҳкамланиб бораётганлигининг ёрқин намоишига айланган сайловолди кампаниясида бошқа сиёсий партиялар қатори "Адолат" СДП ҳам фаол иштирок этмоқда.

Барча ҳудудлардаги партия ташкилотлари аниқ кунларда тарихот-ташвиқот ишларини авж олдирмоқдалар. Оммавий ахборот воситалари саҳифаларида, телевидение ва радиода тарихот материаллари эълон қилиниши билан биргаликда Президентликка номзодларнинг ишончли вакиллари шаҳар ва туманларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Бу борада олиб борилаётган ишларни партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашларидаги сайлов штаблари мувофиқлаштириб бормоқда.

Биз бир неча кун аввал мамлакатимизга Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини кузатиш бўйича миссиясининг таркибиде ташир буюрган хорижий кузатувчилар билан 6-Наманган округ сайлов комиссиясида учрашган эдик. Ушан-

да улар Президент сайловининг ЕХХТ мажбуриятларига ҳамда демократик сайловларга қўйилган бошқа халқаро андозаларга ва талабларга, шунингдек, Ўзбекистоннинг миллий қонунчилигига мувофиқлигини баҳолаш ўзларининг асосий вазифалари эканлигини айтиб ўтишганди. Шу мақсадда сайловолди кампаниясининг барча босқичларини кузатиб боришлари лозимлигини таъкидлашганди. Хусусан, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги фаолиятини ўрганишга алоҳида аҳамият берилиши қайд этилганди.

Яқинда ЕХХТ ДИИХБ миссиясининг аъзолари Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгашига ташир буюрди. Узок муддатли кузатувчилар Диана Франка Ферари (Швейцария) ва Шейн Кюн Ан (АҚШ)ни партия вилоят кенгаши раиси Олимжон Мақсудов кутиб олди. Суҳбат чоғида партия вилоят кенгаши раисининг ўринбосарлари Баҳодир Болтабоев ва Исроил



Жўраев ҳамда кенгаш матбуот котиби Нурбек Абдуллаев хозир бўлишди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси Олимжон Мақсудов партияимизнинг тарихи ва тизими, дастурий ғоя ва мақсадлари, таркибий тузилиши ҳақида сўзлаб берди. Кейинги йилларда мамлакат миқёсида ҳам, вилоят, шаҳар ва туманлар даражасида ҳам унинг нуфузи тобора ошиб бораётганини таъкидлади. Бу аъзолар сонининг ортиб бораётганлиги, эгалланган депутатлик ўринлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар

ридаги депутатлик гуруҳлари кўпаяётганлиги ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

О.Мақсудов сайлов кампанияси тўғрисида гапирар экан, барча номзодларга тенг шароит ва имконият яратилганлигини қайд этди. Бошқа сиёсий партияларнинг номзодлари қатори Наримон Умаровнинг ҳам Наманганлик сайловчилар билан учрашуви юқори савияда ва кўтаринки руҳда ташкил этилди. Шу кунларда номзоднинг ишончли вакили сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Партиянинг

худудий ва куйи ташкилотлари, шунингдек, фаоллар ва хайрихоҳларимиз ҳам тарихот-ташвиқот ишларида фаол қатнашаёпти.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг вакиллари партия ташкилотлари фаолиятига ҳамда бевосита сайлов кампаниясининг боришига оид ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб ҳам олишди.

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам олдимизда турган муҳим сиёсий тадбир – Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини юқори савияда ташкил этишга қаратилган барча чора-тадбирлар ушқоқлик билан олиб боришмоқда.

Сайловчилар учун барча қулайликлар яратилган

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда харбий қисмлар командири тақдимномага биноан вилоят ҳудудида 734 та сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкалари фуқаролар учун хар жиҳатдан қулай бўлган замонавий биноларда ташкил этилгани эътиборга молик. Сайлов участкаларида она ва бола хонаси, тиббий хоналари ташкил қилиниб, улар керакли жиҳозлар билан таъминланган.

Термиз шаҳридаги транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи биносида фаолият кўрсатаётган 228-сонли сайлов участкасида шу йилнинг 4 декабрь кунини бўлиб ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда 2991 нафар сайловчи овоз бериши кутилмоқда. Шу боис ҳам округ сайлов комиссияси тавсиясига асосан ушбу сайлов участкасида сайловчилар учун барча шароитлар яратилган. Ёш болани оналарнинг овоз беришларида қулайлик яратишга хизмат қилувчи болалар хонасида кичкинтойлар учун ўйинчоқлар, ўқув жиҳозлари тайёрлаб қўйилган. Бу қулайликлар оналарнинг овоз бериш жараёнида фарзандларидан кўнгиллари тўқ бўлишини таъминлайди. Сайлов участкаси қошида ташкил этилган тиббиёт хонаси йўриқнома асосида 22 турдаги дори воситалари ҳамда 16 хилдаги тиббий жиҳозлар билан тўла таъминланган.

– Замонавий ва қўрқам бинода иш олиб бораётган сайлов участкасида сайловчилар учун барча шароитлар муҳайё қилинган, – дейди 228-участка сайлов комиссияси раиси Шукур Музапов. – Маълумот бурчагида

фуқаролар сайлов кунини амал қилиши лозим бўлган қатъий қоидалар, уларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган. Сайлов участкаси жойлашган ҳудуд – "Гулистон" МФЙ билан ҳамкорликда маҳалла аҳлининг сайловда фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида турли тадбирлар ва давра суҳбатлари ўтказиб келмоқдамиз. Кексаллиги ҳамда имконияти чекланганлиги сабабли 8 нафар сайловчи бевосита сайлов участкасига келиб овоз бериш имкониятига эга бўлмагани боис комиссия аъзолари ва кузатувчилардан иборат вакилларимиз уларнинг хонадонларига бориб, овоз беришлари учун имконият яратишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда Сурхондарё вилояти бўйича 1 миллион 581 минг 214 нафар сайловчи овоз бериши кутилмоқда. Шундан 37 минг нафардан ортиқроғи илк марта қатнашадиган сайловчилардир. Мазкур 228-сайлов участкасидаги овоз берувчилар рўйхатида ҳам 61 нафар биринчи марта овоз берувчи ёшлар бор. Барча сайловчилар, айниқса, ёшларни сайлов қонунчилигига оид янгиликлар билан таништириш мақсадида округ сайлов комиссиясида вилоят адлия бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этиб келинмоқда. Амимизки, 9 нафардан иборат участка сайлов комиссияси аъзоларининг сай-ҳаракатлари ушбу ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловининг юқори савияда ўтишини таъминлайди.

Мақсуд ТўРАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби



Янги тузилма аъзолари сайлов кампаниясида фаоллик кўрсатмоқда

➤ БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Бухоро вилоятида партиянинг етакчи ва фаоллари жойларда электроташкилотларнинг самарали ҳимоя қилишга қаратилган ҳаётий тақдирларни илгари суриш, уларни амалга оширишда самарали фаолият кўрсатмоқда. Бунда, албатта, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти ҳал қилувчи ўрин тутди. Бу эса партиянинг кўйи бўғинлари сафини янги тузилмалар ҳисобига кенгайтириб бериши тақозо этади.

Яқинда вилоятимизда Ўзбекистон "Адолат" СДП бошланғич партия ташкилотлари сонини яна биттага ошиди. Бухоро шаҳридаги "Чорбахоса" маҳалласида истиқомат қилаётган сафдошларимиз ташаббуси билан ташкил этилган янги БПТ сиёсий фаолиятга киришди. Янги бошланғич партия ташкилотига 48-мактабгача таълим муассасаси раҳбари Холида Муродова раис этиб сайланди.

БПТ таркибига янги аъзоларнинг сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, сайлов кампанияси жараёнида БПТ олдида турган вазифаларни муваффақиятли ундашга сафарбар этиш мақсадида ташкил этилган илк сиёсий ўқув ижобий самара бермоқда.

Сайлов жараёни билан бир қаторда сайлов билан ишлашни талаб этади, — дей-

ди БПТ раиси Х.Муродова. — Ҳозирда бошланғич партия ташкилотимиз мамлакат Президентлигига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан кўрсатилган номзод Н.Умаров ва унинг дастурий тарғиб этишга доир зарур ҳужжатлар, қўлланмалар, тарқатма материаллар билан таъминланган. Туман партия ташкилоти, маҳаллий Кенгаши депутатлари билан яқин алоқада, партиянинг ушбу ҳудуддаги таянч тузилмаси сифатида иш олиб бораётирми. Сайловчиларнинг партиянинг номзодига хайрихоҳлигини кучайтириш қандалик долзарб вазифамизга айланган.

— БПТнинг энг ёш аъзоси бўлсам-да, ўтказилган ҳар бир тадбирда фаол қатнашман, — дейди Маржона Фатиллоева. — Айни пайтда тарғибот тадбирлари туфайли сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг моҳиятидан тортиб,

Президент сайлови жараёнида қандай ташкил этилиши бўйича назарий маълумотларга эга бўлдик. Ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг илк бор бевосита иштирокчиси бўлиш мен ва мен каби тендошларимга катта масъулият юклашини яхши англаб турибмиз. Бошланғич партия ташкилоти билан Бухоро шаҳар кенгаши ҳамжиҳатликда ўтказган "Сайлов ва биз", "Сайлов ва фуқаро" каби мавзудаги тадбирлар орқали сайлов қонунчилиги, ишончли вакил, унинг ҳуқуқлари, сайлов кампаниясини олиб бориш тартиби, юртимизда сайлов жараёни ҳалқаро меъёрларга тўла мос келиши каби муҳим тушунчаларга эга бўлиб, ўз сиёсий ҳуқуқий билимларимизни мустаҳкамлаб бораятирми.

БПТ аъзоларининг таъкидлангани, маҳалладаги бошланғич партия ташкилоти аъзолари Президент сайлови бўйича сайлов кампаниясида фаоллик кўрсатиб, тарғибот тадбирларида партия номзоди дастурий аниқ ўз маҳалласидаги ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ жихатларига алоҳида эътибор қаратиб, фуқароларга аниқ таҳлиллар асосида тушунчалар беришарми.

Моҳиғул АБДУЛЛАЕВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

➤ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Фуқароларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш, уларнинг қонуний манфаатларини рўйбга чиқариш депутатлар заммасидаги муҳим вазифалардан бири саналади. Бу эзгу мақсад маҳаллий вакиллик органларида фаолият юритаётган Ўзбекистон "Адолат" СДП гуруҳлари аъзоларини ҳам фаол ишлашга ундамоқда. Бу борада халқ депутатлари Бекобод туман Кенгашидаги партия гуруҳимиз фаолиятдан бир қанча мисоллар келтириш мумкин.

Жорий йилда депутатлик гуруҳимиз томонидан фуқароларнинг муносабатлари асосида мутасадди ташкилотларга кириштирилган депутатлик сўровларининг аксарияти ижобий ҳал этилди. Депутатлик гуруҳимиз аъзолари аҳолининг ҳар бир тақдир ва муносабатлари юзасидан масъулиятни чуқур англаган ҳолда иш олиб боришмоқда.

Бугунги кунда касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масала партия депутатларининг ҳам диққат марказида бўлиб келмоқда. Хусусан, депутатлик гуруҳимиз аъзолари туман Бандликка кўмаклашини ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда "Меҳнат ярмарка"лари ташкил этиб, ёшларни тумандаги корхона, ташкилотларда мавжуд бўлиши иш ўринларида ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришга, "Ягона дарча" маркази билан биргаликда ёшларнинг ўз иш ўринларини очилиши учун яққа тартибдаги тадбиркорликни ташкил этишларига амалий ёрдам бермоқда. Ана шундай саяб-ҳаракатлар туфайли ҳозиргача 50 нафар коллеж битирувчиси ЯТТ сифатида давлат рўйхатидан ўтди. Биргина мисол келтириб ўтсак, Масалан, коллеж битирувчиси Ш.Боймуродова ўз тадбиркорлик фаолиятини ширинлик ишлаб чиқариш билан

Муаммолар ҳал этилмоқда

цияси раҳбарлари номига депутатлик сўрови киритилди. Тез орада мазкур ташкилотлар томонидан ушбу долзарб масалалар ўрганиб чиқилиб, "Гулистон", "Бўстон" маҳаллаларидаги йўлларда таъмирлаш ишлари бажарилди. Айни кунларда эса тумандаги бошқа йўлларни таъмирлаш чора-тадбирлари туман молия бўлими томонидан молиялаштирилиб, маблағ ажратилмоқда ва бу зарур ишлар бирма-бир амалга оширилмоқда. Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳам депутатлик сўровимиздаги тегишли масалалар юзасидан қонуний чоралар қўришга киришилди.

Халқ депутатлари Бекобод туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Фарҳод Камоловнинг ташаббуси билан "Фарҳод" маҳалласидаги 33-мактабгача таълим муассасаси биносида иссиқлик тизимини таъмирлаш учун давлат бюджетидан 29800,0 миң сўм маблағ ажратилди. "Жумабозор" қишлоғида жойлашган 140 ўринли 10-мактабгача таълим муассасаси биносининг таъмирлаш ишлари таъминлаш бўлиб қолганлиги боис транспорт воситалари ва йўловчилар учун ноқулайликлар вужудга келганлиги, шаҳарнинг "Истиклол" марказий кўчасида таксилар бетартиб тўхтаб туриши оқибатида йўлда тирбандликлар пайдо бўлаётганлиги, турли махсулотлар сотиш билан шугулланувчилар йўл ва пидёлар йўлакларини атрофида қонуний равишда савдо қилаётгани ҳам ноқулайликлар ва антисанитария ҳолатларини келтириб чиқарётгани, айрим кўчалар, айниқса, болалар боғчалари олдидаги йўлда оғоҳлантирувчи белгилар, светофор ўрнатишга эҳтиёж сезилаётгани ҳақида муносабат қилинган эди. Ушбу кўчаларнинг масалаларга қонуний ечим топиш мақсадида халқ депутатлари Бекобод туман Кенгаши, туман йўл қурилиш, ободонлаштириш бошқармалари, туман давлат солиқ инспек-



Зоҳида СУВОНОВА,
халқ депутатлари Бекобод туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП гуруҳи раҳбари

яна бир аъзоси Ибодат Ҳамроевнинг катор ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, ижобий ечим топаётгани эътиборга молик. Жумладан, Бекобод туманидаги 7 та касб-ҳунар коллежи ва 57 та умумтаълим мактабнинг тиббиёт хоналарини доимий фаолият юритаётган ҳамширалар билан таъминлаш тўғрисида туман ҳокимлиги ва туман хотин-қизлар қўмитасига, "Янгиқўрғон" қишлоғида ичимлик суви билан боғлиқ масала юзасидан туман "Сувокава" филиалига, мазкур қишлоқ ҳудудидаги ички йўлларни таъмирлаш хусусида туман ҳокимлигига киритилган депутатлик сўровларимиз мутасадди ташкилотлар томонидан ўрганилиб, зарур чоралар қўрилмоқда.

Шу билан бирга, гуруҳимиз аъзолари партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини жойларда кенг тарғиб қилиш, партия мавқени мустаҳкамлаш, аъзоларимиз сафини қўпайтиришга қаратилган тарғибот-ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партияимиздан кўрсатилган номзод Наримон Умаровнинг сайловда дастурида илгари сурилган ғоя ва тақдирлар мазмунини сайловчиларга чуқурроқ тушунтириш, партия номзодига аҳоли ўртасида ишонч ва хайрихоҳликни ошириш аниқ пайтда тарғибот ишларимизнинг энг муҳим йўналишига айланган.

Андижон шаҳридаги "Эко комфорт элегант" масъулияти чекланган жамиятида фаолият юритаётган ёш сафдошларимиз партияимизнинг инновацион тараққиётга доир ғояларини рўйбга чиқаришда ибрат кўрсатишмоқда. Ушбу корхона раҳбари, Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон шаҳар кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти аъзоси Абдулхамид Исломов мазкур корхонада тайёрланаётган тежамкор лампаларга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бораётганини таъкидлади.



Тежамкор технологиялар амалиётга жорий этилмоқда

Чиндан ҳам куз-киш мавсумида электр энергияси таъминотидаги айрим масалалар фуқароларни ўйлантириши табиий. Бу борадаги муаммоларни электр энергиясидан самарали фойдаланиш, тежамкор технологияларни амалиётга кенг жорий этиш, уларни ишлаб чиқаришни рабатлантириш орқали ҳал этиш мумкин.

Ташаббускор партиядошимиз Абдулхамид Исломов томонидан 2011 йили Андижон шаҳрида ташкил этилган "Эко комфорт элегант" масъулияти чекланган жамиятининг асосий фаолияти импорт ўрнини босувчи диодли ёриткичлар ишлаб чиқаришдан иборат.

"Қишлоқ қурилиш банк" томонидан берилган 250 миллион сўм молиявий кўмак ҳисобига асосий бино қуриб

битказилди. Дастгоҳлар ва зарур материаллар тадбиркорнинг ўз маблағи ҳисобига сотиб олинди. Қисқа вақт ичида лойиҳанинг биринчи босқичи амалга оширилди. Дастлаб 3 турдаги махсулот билан иш бошлаган корхона ҳар ойда 60 миң дона ёриткич, лампа ва лампочка ишлаб чиқариш қувватига эга.

Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган 16 турдаги махсулотлар рақобатдошлиги билан импорт ўрнини босмоқда. Икки турдаги эҳтиёт қисмдан ташқари барча кераклик деталлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Андижон чироқлари ёруғлик окимининг узлуksнэлиги, юқори сифати, чидамлилиги ва товуш чиқармаслиги билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

— Икки йил илгари Наманган вилояти аэропорти ҳудудида ҳар хил турдаги ёриткичларни ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари Абдулхамид Исломов. — Аэропорт ҳудуди чирой очилиши билан бирга, иккисидий жихатдан ортисча харажатнинг ҳам олди олинди. Натигада миқозларда бизга бўлган ишонч ортди. Андижон вилоятининг бир неча қўша корхоналари, водий вилоятларининг электр тармоқлари корхоналари доимий буюртмачиларимиз саналади. Буюртмачиларнинг тақдирларига катта эътибор қаратамиз.

Жорий йилнинг 9 ойида 2 миллион сўмликдан ортик махсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Божхона постлари учун зарур ёриткичлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Карши, Урганч, Самарқанд ва Навоий вилоятлари аэропортларида ёриткич воситаларини ўрнатиш якунланмоқда.

Ишлаб чиқарувчилар орасида ўз ўрнини топган мазкур корхона махсулотлари кўрик-танловлар ва халқаро кўргазмаларда юқори баҳолашмоқда. "Ташаббус-2016" кўрик-танловининг республика босқичида "Энг яхши инновацион технология" номинацияси қолиб деб топилгани, шу йилнинг октябр ойида Топшкент шаҳрида ўтказилган халқаро саноат ярмаркасида 2017 йил учун 4 миллиард сўмлик шартномалар имзолангани фикримиз далилидир.

Акбаржон НАЗАРОВ,
"Адолат" мухбири

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида

➤ "ЁШ АДОЛАТЧИЛАР" ҚАНОТИ ФАОЛИЯТИДАН

Бугунги кунда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Навоий вилоятидаги 10 миң нафарга яқин аъзоларидан 4 миң нафарини жамиятимизнинг энг фаол қатлами бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Вилоят партия кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари ҳудуддаги ёшлар орасига янада чуқурроқ кириб боришга, тарғибот ишлари таъсирчанлигини оширишга, билимдон ва иқтидорли навқирон авлодни қўллаб-қувватлаш, партия сафларида улар сонини қўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Айни пайтда аниқ мақсадга йўналтирилган режалар асосида "Ёш адолатчилар" қаноти ташаббуси билан ҳудуддаги таълим муассасалари, ташкилотлар ва маҳалла-ларда ёшларни қизиқтирган мавзуларда турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Хусусан, жойларда семинар-тренинглари, анжуманлар замонвий технологияларга асосланган ҳолда, жонли мулоқот ва таъсирчан усулларда ташкил этилаётганлиги йигит-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, мафқуравий имунитетини мустаҳкамлаш, уларни глобаллашув жараёнида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг асосида "Адолат" СДП дастурий ғояларидан хабардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Зарафшон шаҳридаги саноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. "Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш — давр талаби" мавзусидаги ушбу тадбирда партия фаоллари, ўқув юртининг битирувчилари иштирок этишди. Унда миллий сайлов қонунчилиги, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, маънавий тарбияси хусусида батафсил сўз юритилди.

— Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбияси, уларнинг замонвий билим-ларига эга бўлиши, саломатлигини асраб-авайлаш йўлида бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг асосида "Адолат" СДП фаоллари томонидан ёшларни қонил инсонлар этиб

воёга етказиш мақсадида таълим даргоҳларида олиб борилаётган тарғибот тадбирлари мисолида ҳам қўришимиз мумкин, — дейди коллеж директори Ғайрат Облоқулов. — Жамиятнинг демократия йўлидаги жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жихатдан навқирон авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши келажакимиз эгаларининг мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардан хабардорлигини ва туб ислохотларга дахлдорлик ҳиссини оширишга хизмат қилмоқда.

— Партия позициясини мустаҳкамлаш ва рўйбга чиқаришда "Ёш адолатчилар" қаноти ҳам ўз режалари ва ҳаракат дастури доирасидаги амалий ишлари билан катнашиб келмоқда, — дейди Зарафшон шаҳар партия кенгаши "Ёш адолатчилар" қаноти етакчиси Неъмат Нусратов. — Жумладан, Зарафшон шаҳар "Қамолот" ЁИХ кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган "Ёшлар ва экологик ҳаракат", "Сиёсий жараёнлар ёшларнинг ўрни", "Сайловда илк бор овоз бераман", "Ёшларнинг

Садоқот ШАМСИЕВА,
Навоий вилоят кенгаши матбуот котиби

Истиқбол учун овоз берамиз

Бугунги кунда республикамизнинг қайси гўшасида бўлмайлик, халқимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига юксак масъулият билан тайёргарлик кўраётганлигига гувоҳ бўламиз. Демократиянинг кўзгуси сифатида эътироф этиладиган сайловлар, шубҳасиз, халқимиз, мамлакатимиз ҳаёти, истиқболи йўлда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Халқ тили билан айтганда, сайлов — бу эртанги кунимиз фаровонлиги, фарзандларимиз, азиз ватандошларимиз келажаги учун овоз бериш демакдир.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган аввалги Президентлик сайловида бир масала алоҳида эътиборимизни тортган эди. Сайлов жараёнини кузатиб бориш учун ташриф буюрган хорижлик экспертлар сайлов кунини халқимизнинг сайловдаги фаол иштирокига гувоҳ бўлиб, хайратларини яшира олмаган эдилар. Хатто айрим кузатувчилар сайловчилар билан бевосита мулоқотга киришиб, бу қадар фаоллик сабабига қизиққанликларини, фуқароларимиз эса, ўз келажаги учун масъулият билан ёндашиб, шахсан овоз бериш қай даражада муҳим эканлигини таъкидлаганликларини айни ҳақиқат.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, истиқлол йилларида республикамизда сайлов тизими чуқур ислоҳ қилиниб, халқро ҳуқуқининг умум-эътироф этилган тамойиллари ва андозаларига тўлиқ мослаштирилди. Тусусан, сайлов қонунчилигимизга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган демократик давлатлар таърибисидан ҳам камдан-кам учрайдиган мулк ваколатларининг Марказий сайлов комиссиясига берилишини қўзда тутувчи ўзгаришларнинг киритилиши муҳим аҳамиятга эга воқеадир. Шу билан бирга, қонуни ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолиятида ошқораликни тўқис таъминлашга қаратилган нормаларнинг киритилиши республикамизда демократиянинг қай даражада қарор топганлигини яққол кўрсатиб

турибди. Зеро, сайловлар мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намоян этиди, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокнинг асосий шакли саналади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари сайловдаги тартибот-ташвиқот фаолиятининг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Бунда сайловчилар номзоднинг дастури билан бевосита танишиш, илгари сурилаётган дастури шахсан номзоднинг ўзидан эшитиш, номзод билан шахсан учрашиб, у билан бевосита мулоқот қилиш, дастури бўйича овоз бериш ва жавоб олиш, шу билан бирга, сайловчилар учрашув давомидан номзоднинг нотиклик қобилияти, етакчилик хислатлари каби муҳим жиҳатларига баҳо бериш имкониятига эга бўлилади.

Сайловда иштирок қилиш ва овоз бериш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган демократик давлатлар таърибисидан ҳам камдан-кам учрайдиган мулк ваколатларининг Марказий сайлов комиссиясига берилишини қўзда тутувчи ўзгаришларнинг киритилиши муҳим аҳамиятга эга воқеадир. Шу билан бирга, қонуни ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолиятида ошқораликни тўқис таъминлашга қаратилган нормаларнинг киритилиши республикамизда демократиянинг қай даражада қарор топганлигини яққол кўрсатиб



Ушбу оқил сўз

рахбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт эканлиги "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Номзодлар билан шахсан учрашувларда қатнаша олмаган фуқароларимиз учун номзодлар тўғрисидаги маълумотлар асосида тайёрланган тартибот-ташвиқот материалларини республикамиздаги ҳар бир маҳалла, хонадонга етиб бериш механизми яратилган. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида номзодлар учун ажратилган эфир вақтларида ҳар бир сиёсий партия томонидан илгари сурилаётган номзодлар, уларнинг сайловдаги дастурлари мунтазам тартиб қилиб келинмоқда.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунда барча сайловчиларнинг, хусусан, хизмат сафари сабабли сайлов кунин сайлов участкасига кела олмайдиган сайловчиларга му-

датидан олдин овоз бериш, соғлиги сабабли сайлов участкасига кела олмайдиган сайловчилар учун ўз хонадонига овоз бериш тартиблари, хорижда яшаётган фуқароларинизга овоз бериш учун ташкил қилинадиган имкониятлар, бир сўз билан айтганда, ҳар бир сайловчининг манфаатлари назарда тутилган.

Республикамизда Президентлик сайлови кунини, бошқача айтганда, келажагимиз учун овоз берадиган онлар тобора яқинлашмоқда. Гувоҳи бўлиб турганимиздек, сайлов кампанияси қизғин давом этмоқда. Бутун республикамизни сайлов шуқуқи камраб олган десак, асло муболага бўлмайди. Айниқса, сайлов участкалари-

Донишманд халқимиз бу сайловда ҳам ўз истиқболини ким билан қуриш борасида оқил қарор қабул қилиши, ўз келажагини муносиб номзодга ишонилишига, асло, шубҳа қилмаймиз. Фуқароларимиз ҳар бир сайловда овоз ва обод Ватанда яшаш, фаровон турмуш шароитларига эришиш учун сайловнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини, муносиб номзодга овоз бериш ўз келажагига ишонч эканлигини доимо англаб келган. Энг муҳими, халқимиз ҳар бир сайловчининг овози ҳал қилувчи бўлиши мумкинлигини яхши билади.

Аҳмад ИСМАИЛОВ,
Ишон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори ўринбосари

Кафолатланган имконият

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаси эркинлаштирилиши ва модернизация қилиниши баробарида демократик талабларга жавоб берадиган замонавий сайлов тизими ҳам яратилди.

Сайлов жараёнида очқиллик ҳамда ошқораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловнинг тартибига солувчи қонуни ҳужжатларига мурофий, сайлов Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яшириш овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти эса уларнинг ушбу сиёсий жараёнда

фаолиги ва фуқаролик бурчини чуқур англаши, ўз овозини давлат ва жамият ҳаёти, мамлакатимиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга эканини хис этишида намоян бўлади.

Албатта, ўз қатнашини мамлакат ҳаётига чамбарчас боғлаган ҳар бир фуқаро конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Президент сайловида фаол иштирок этади ва ўзи муносиб деб билган номзодга овоз беради. Маълумки, сайловга оид

миллий қонучилигимизда, хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 31-моддасида муддатидан олдин овоз бериш тартибига ҳам белги-ланган. Мазкур моддага биноан, сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганда бошланади ва сайловга бир кун қолганда тугалланади. Муддатидан олдин овоз бериш ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз бериш амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунини бўла олмагани сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг қамиди икки нафар аъзо-си хозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Хулоса қилиб айтганда, муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқи сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ўзи муносиб деб билган номзодга овоз беришини кафолатлайди.

Дилдорaxon АБДУЛЛАЕВА,
Учтепа тумани 1-сонли ДНИ нотариуси

Ўнфин хавфсизлиги ойлиги

Ҳар йили куз-қиш фаслларида ҳаво ҳарорати кескин пасайиши оқибатида нафақат уй-жойларни иситиш масаласи долзарб аҳамият касб этади, балки айрим инсонларнинг бепарволиги сабабли ўнфин содир бўлиш хавфи янада ортшига кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Энг ачинарлиси, ахсарият ҳолларда ўнфинларнинг келиб чиқишига эътиборсизлик сабаб бўлади.

Чунончи, оилаларда болаларга гугурт, газ, оловдан фойдаланиш борасида етарли даражада тушунтириш берилмаслиги, болалар ўнфин хавфсизлигини таъминлаш борасида маълумотга эга бўлмаслиги туфайли юзага келадиган фожиалар, афсуски, учраб туриши ташвишли ҳолдир.

Ўнфин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда ишчилар, хизматчилар, таълим муассасалари ўқувчилари ва аҳоли ўртасида ўнфинга қарши тартибот ўтказиш ва ўнфин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу учрашув ва тадбир-



ларда ўнфинларнинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатлари акс эттирилган кўргазмалар суратлар намойиши этилади, ўнфиннинг олдин олинган кенг миқёсда тушунтириш ишлари ўтказилади. Бироқ шунга қарамай, болалар иштирокидаги ўнфинларнинг сонини қисқараётгани йўқ. Катталар томонидан вақтида олиб ташланмаган чикиндилар, тўвланиб

қолган ҳазонлар ўйинқароқ, шўх болалар диққатини ўзига жалб этиши кўнчиликлари маълум. Айнан шундай жойларда бепарволик туфайли ўнфин келиб чиқмоқда.

Шу ўринда бир мисол келтирсак. Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги уйлар орасида турган гаражларда ўнфин содир бўлган. Айниқсланишча, умумтаълим мактабидан қайтаётган болалар гаражлар орасида йўғилиб қолган қуруқ ўт ва шох-шаббаларни ёқиб юборган. Аланга катталаниб, натижада битта гараждаги машина ёниб

кетган. Қўришиб турибдики, бу фожиага болаларни назорат қилмаслик сабаб бўлган.

Фалокат оёқ остида, деб бежиз айтишмайди. Агарда доимо хушёрликни йўқотмасак, вақтида қуруқ ўт ва шох-шаббаларни олиб ташласак, болаларимизни тозалик ва ўнфин хавфсизлиги қондаларига риоя қилишга ўргатсак, муаммо турилишига йўл қўймаган бўламиз.

А.РАҲИМЖОНОВ,
Чилонзор тумани ИИБ
ЎХБ инспектори,
сержант

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI KONSTITUCIYASI QABUL QILINGANINING 24 YILLIGIGA

Конституция — давлатнинг ҳуқуқий асоси, пойдевори. Халқимиз, давлатимиз ҳаёти, тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлгани учун Бош қомусимизни ҳар бир фуқаро чуқур ўрганиши ва унинг талабларига амал қилиши лозим. Конституцияимиз Ватанимиз мустақиллигининг буюқ тимсолларидан бири бўлиб, мамлакатимизнинг сиёсий қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, давлат ва фуқаронинг, жамият тузилмаларининг барча ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларига оид масалаларни қамраб олади ва уларнинг ҳуқуқий негизини белгилаб беради.

Ёшлар ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида

Асосий қонунимизда юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ижтимоий гуруҳ ва қатламнинг манфаати, ҳуқуқ ва эркинликлари эътибордан четда қолмаган. Шунинг учун ҳам уни бутун жамиятимизни бирлаштиришга хизмат қиладиган умуммиллий ҳужжат, халқимиз тафаккурининг ноёб намунаси, деб атаймиз.

Конституцияимизда мамлакатимиз ёшларининг таълим-тарбияси, ижтимоий муҳофазаси, интеллектуал салоҳиятини намоян этиши, касб-ҳунар эгаллаши каби асосий ҳуқуқлари жумладан, "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга" (40-модда), "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бунга умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир" (41-модда), "Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданият, илмий ва техникавий ривожланишига рағбат қилади" (42-модда), "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди" (43-модда), "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга банишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради" (64-модда), "Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонуни олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади" (65-модда), "Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар" (117-модда) каби қонун ва меъёрларда белгилаб қўйилган.

Асосий қонунимизда ёшлар ҳуқуқ ва эркинликларининг кенг қамровда кўрсатилиши давлатимизнинг ёш авлодга яратиб берган улкан имкониятларидан далолатдир.



Мухтасар айтганда, Конституцияимиз, унинг асосида қабул қилинган қонунилар мазмунини яхши билиш ёшларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини рўйга чиқаришда ёрдам бериш билан бирга уларда қонуниларга ҳурмат ҳиссини оширади.

Адиба ХИДОЯТОВА,
Шайхонтоҳур тумани 5-сонли ДНИ катта нотариуси

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларини аниқлаш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

Ф.Турғунова,
Тошкент шаҳри

— Амалдаги қонуничиликка мурофий, Марказий сайлов комиссияси ўзига келиб тушган округ сайлов комиссияларининг баённомалари асосида республика бўйича сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари ва варақаларини олаш сайловчилар сонини; овоз беришда иштирок этган сайловчилар сонини; ҳар бир номзод учун берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иккита номзод иштирок этган тақдирда, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ҳисоб кўчилик овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иккитадан орттиқ номзод иштирок этган тақдирда, агар номзодларнинг ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпчилиги овозини олмаган бўлса, сайловчиларнинг овозини энг кўп олган икки номзод иштирокида такрорий овоз бериш ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида турли сабаблар (номзоднинг йўли, номзоднинг соғлиги ҳолати сайловда иштирок этишни истисно этадиган даражада ёмонлашганлиги ёки Қонунида белгиланган бошқа сабабларга кўра унинг номзоди олинганлиги ва шунга ўхшаш сабаблар) натижада биттагина номзод иштирок этган тақдирда, бу номзод, агар у овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпчилиги овозини олган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Сайлов, агар унда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 33 (ўлтмиш уч) фоизидан қачи иштирок этган бўлса, ўтказилган деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якулари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Саволга ҳуқуқшунос **А.РАҲИМЖОНОВ** жавоб берди.

Барқарор фаолият ва юксак ишонч



МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1995 йил 7 ноябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 424-сонли қарорига асосан ташкил этилган «Асака» акциядорлик тижорат банки 21 йиллик фаолияти мобайнида республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб, банк хизматлари бозорида етакчилик мавқеига эга бўлди.



Жиззах шахрининг Калия маҳалласида «Жиззах гранд текстиль» масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсатмоқда. «Асака» банкнинг Жиззах филиалидан олинган узок муддатли кредити маблағи бу борада кўл келди. Хориждан келтирилган замонавий пайпоқ тўқиш ускуналари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва махсулот сифатини янада яхшилаш имконини берди.

Банк юртимиз иқтисодиётининг барча тармоқлари иштирокчилари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интилан ҳолда, ўз олдига мулкчилик шакли ва фаолият кўламиндан қатъи назар, барча ҳужжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, аҳолига кенг доирадаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Эътиборлиси шундаки, банк ҳар бир мижознинг индивидуал талабидан келиб чиққан ҳолда, асосий эътиборини кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига қаратмоқда.

«Асака» банк ўз таркибий тузилмалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва мамлакатимиз молия бозоридagi иштирокини кенгайтириш буйича фаол ишларни мунтазам равишда олиб бормоқда. Хозирги кунда банкнинг республикамиз барча ҳудудини қамраб олган кенг тармоқ бўлими маси — 26 филиали, 85 минчи банки, 272 чакана банк хизматлари кўрсатувчи шохобчалари мавжуд. Банк мижозлари сони эса 1,8 миллиондан ошди. Мижозлар таркибидa иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва бирлашмалар ўрин олган. Жумладан, банк томонидан аўтомобилсозлик, тоғ-кон, нефть-газ, кимё, энергетика, енгил, озиқ-овқат, фармацевтика sanoati, транспорт, қурилиш ҳамда бошқа тармоқлар корхона ва ташкилотларига, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳолига барча турдаги банк хизматларини кўрсатмоқда.

Банк жаҳон ва ички бозор конъюнктурасининг ўзгаришларига ҳозиржавоб бўлган ҳолда, Ўзбекистондан ва хориждаги банклар билан вакиллик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Вакиллик муносабатларини ўрнатишда «Асака» банк, биринчи навбатда, мижозлар манфаатларини ҳимоя қилишга интилоқда. Улар учун қулай шaroитлар банкнинг кўп йиллик фаолияти давомида самарадорлик, тўловларнинг кенг ҳаражатлилиги, қатъий ижро мuddати ва воситачилик харажатларининг минимал миқдори ўрнатилиши ҳисобига яратилди.

Хозирда «Асака» банк жаҳоннинг 350 дан зиёд етакчи банклари билан вакиллик муносабатларига эга. Энг йирик хорижий банклардаги вакиллик ҳисобва-рақлари тармоғи орқали «Асака» банк жаҳоннинг асосий молиявий марказларида ўзининг иштирокини таъминламоқда.

Инвестициялар иқтисодиётининг реал секторига

Бугунги кунда жаҳоннинг ривожланган давлатларида банкларнинг рейтинг кўрсаткичлари даражаси пасаяётган бир пайтда халқаро рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистон банк тизими ва тижорат банкларига юқори рейтинг баҳо-ларининг берилиши мамла-катимизда банк тизимига қаратилган юксак эътибор ва ишончнинг махсули бўлиб, бунинг натижасида банк тизимининг янада барқарор ривожланишига эришилмоқда.

Бунга биргина «Асака» банк фаолиятига халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган юқори рейтинг баҳолари ёрқин мисолдир. Жумладан, «Moody's» ва «Fitch Ratings» сингари жаҳоннинг етакчи ва нуфузли халқаро рейтинг агентликлари «Асака» банк фаолиятини қаторасига бир неча йиллардан буён юқори рейтинг баҳоси билан эътироф этмоқда. «Асака» банк «Барқарор», деб тан олинмоқда.

Шу билан бирга, жаҳоннинг нуфузли нашрларидан бўлган «Euromoney», «Global Finance» ва «The Banker» томонидан «Асака» банк бир неча мартаба «Ўзбекистонда иқтисодий энг яхши банки», деб тан олинди.

Жорий йилда Мустанқил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг 200 та йирик банклари рейтингини «Асака» банк ўз позициясини илдам равишда бир неча поғонага яхшилади ва 86-халарни молиялаштириш учун 1 174,5 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилга мўлжалланган Инвестицион дастурига мувофиқ инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга ажратилган кредитлар ҳажми 687,2 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Ажратилган кредитлар юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишга, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология ва бошқа илгор имлафан ютуқларига асосланган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

«Асака» банк томонидан республикамиз вилоятларида уй-жой қурилиши лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда уларга қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қўллаб-қувватлаш механизмлари фаол ишлатилган. Бу йилда банк томонидан 445,0 миллиард сўм миқдорида кредит-

ётган имкониятлар ички истеъмол бозорини янада ривожлантириш, рақобатбардош ва сифатли махсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда. Бунда, аввало, банклар томонидан кичик бизнес субъектлари фаол қўллаб-қувватланиб, соҳа вакилларининг фаолият ривожига ва иштирокини таъминлаш йўлида тақдим этилаётган имтиёз шартлардаги кредитлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда истиқлол йилларида иқтисодиётнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатаётган корхоналар истиқболини таъминлашга хизмат қилувчи қўллаб-қувватлаш механизмлари фаол ишлатилган. Бу йилда банклар томонидан истиқболли тармоқларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қўллаб-қувватлаш механизмининг тақдимоти шартли равишда алоҳида эътибор қаратилган. Бу ўз навбатида, кредитлаш амалиётларининг соддаштирилишига ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун қулай бизнес муҳитининг яратилишига олиб келмоқда.

Бугунги кунга келиб кичик бизнес субъектлари банклар кредитларидан унумли фойдаланган ҳолда, ўз тадбиркорлик фаолиятларини кенгайтиришга ҳамда иқтисодиётимиз ривожига ва аҳоли фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга эришмоқдалар.

Бу борада мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш йўлида яратилган ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланган соҳа субъектлари фаолиятининг жадал тараққиётини таъминлаш бўлимоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон бу соҳада асосий дастурий амал бўлмоқда. «Асака» банк томонидан бу соҳада ҳам муҳим ютуқларга эришилмоқда.

Жумладан, банк балансида қабул қилинган банкнот корхоналарининг 46 таси янги инвесторларга сотилди. Банкнот корхоналар негизда банкнинг 14 та шўъба корхонаси ташкил қилинди. Ташкил этилган банк корхоналарига жами 79,9 миллиард сўм миқдорида инвестициялар киритилди. Натижада 4116 та янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқариш фаолияти тикланган банкнот корхоналарида жами 690,6 миллиард сўм миқдорида махсулотлар ишлаб чиқарилди ва 72,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги махсулотлар экспорт қилинди.

Тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида ушбу соҳанинг республикамиз янги ички махсулотидagi улushi изчил юксалмоқда. Соҳа субъектларига берил-

ган имкониятлар ички истеъмол бозорини янада ривожлантириш, рақобатбардош ва сифатли махсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда. Бунда, аввало, банклар томонидан кичик бизнес субъектлари фаол қўллаб-қувватланиб, соҳа вакилларининг фаолият ривожига ва иштирокини таъминлаш йўлида тақдим этилаётган имтиёз шартлардаги кредитлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда истиқлол йилларида иқтисодиётнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатаётган корхоналар истиқболини таъминлашга хизмат қилувчи қўллаб-қувватлаш механизмлари фаол ишлатилган. Бу йилда банклар томонидан истиқболли тармоқларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қўллаб-қувватлаш механизмининг тақдимоти шартли равишда алоҳида эътибор қаратилган. Бу ўз навбатида, кредитлаш амалиётларининг соддаштирилишига ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун қулай бизнес муҳитининг яратилишига олиб келмоқда.

Бугунги кунга келиб кичик бизнес субъектлари банклар кредитларидан унумли фойдаланган ҳолда, ўз тадбиркорлик фаолиятларини кенгайтиришга ҳамда иқтисодиётимиз ривожига ва аҳоли фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга эришмоқдалар.

Бу борада мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш йўлида яратилган ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланган соҳа субъектлари фаолиятининг жадал тараққиётини таъминлаш бўлимоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон бу соҳада асосий дастурий амал бўлмоқда. «Асака» банк томонидан бу соҳада ҳам муҳим ютуқларга эришилмоқда.

Жумладан, банк балансида қабул қилинган банкнот корхоналарининг 46 таси янги инвесторларга сотилди. Банкнот корхоналар негизда банкнинг 14 та шўъба корхонаси ташкил қилинди. Ташкил этилган банк корхоналарига жами 79,9 миллиард сўм миқдорида инвестициялар киритилди. Натижада 4116 та янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқариш фаолияти тикланган банкнот корхоналарида жами 690,6 миллиард сўм миқдорида махсулотлар ишлаб чиқарилди ва 72,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги махсулотлар экспорт қилинди.

Тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида ушбу соҳанинг республикамиз янги ички махсулотидagi улushi изчил юксалмоқда. Соҳа субъектларига берил-

иктимой турмушини юксалтиришга, мамлакат қўн-қудратини оширишга муносиб улushi бўлиб қўшилди. Мазкур сармоялар эвазига қўшимча қўллаб янги иш ўринлари яратилиб, ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари иш билан таъминландилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижроси юзасидан 555,1 миллиард сўм миқдоридa кредит маблағлари ажратилди. Натижада маҳаллий истеъмол товарларини ишлаб чиқариш соҳасида иқтисодий ўзгаришларга эришилди.

Коллеж битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш ва шу орқали уларни иш билан таъминлаш буйича ҳам «Асака» банк томонидан фаол ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилда коллеж битирувчиларига қўшимча, асарчилик, паррандчиликни ривожлантириш ва иссиқхоналар ташкил этиш учун қарий 12,9 миллиард сўм миқдоридa имтиёзли шартларда кредитлар ажратилди. Банк кредитлари туфайли уларнинг ўз ишларини ташкил этиш буйича азалий орзу-умидлари рўёбга чиқди. Хозирда улар оилалари фаровонлигини таъминлаб, янги иш ўринларини ташкил этиш ва ёшларни иш билан таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида асосан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи аёлларга ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадларига 111,7 миллиард сўм миқдоридa кредит маблағлари ажратилди. Банк сармоялари туфайли аёл тадбиркорлар томонидан санаот махсулотлари ишлаб чиқариш, кийим-кечак ишлаб чиқариш, аҳолига савдо ва сервис хизматларини кўрсатиш ҳамда бошқа тармоқлар ривожлантирилди, оилавий бизнес, хунармандчилик ва касаначилик билан шугулланувчи тадбиркор опа-син-

гилларимизнинг сафи кенгайди. Бунинг натижасида қўллаб-қўзирилган доимий иш жойлари билан таъминландилар, демаски, барқарор иш ҳақида эга бўлдилар.

«Асака» банк томонидан жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 1,6 триллион сўм миқдоридa кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ – ИНВЕСТИЦИЯ РЕСУРСЛАРИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бугунги кунда банклар томонидан мижозлар учун кенг доирадаги чакана банк хизматларини тақдим этиш, жозибадор омонат турларини фаол жорий этиш фаолият самарадорлигининг муҳим омил бўлмоқда. «Асака» банк мамлакатимиз чакана банк хизматлари бозоридa аҳоли ишончини қозониб, ўз хизматлари турини тобора кенгайтираётган молия муассасаларидан биридир.


Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитлари аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишнинг янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ ҳамда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг фойдаланиш даражасини ошириш ва уларнинг ресурсларини ривожлантиришга 1 328,5 миллиард сўм миқдоридa кредитлар ажратилди. Бу маблағлар республикамизда ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш қўламли-рини кенгайтириш, вилоят, шаҳар ва қишлоқлар иқтисодиёти ва

қилинган бўлиб, омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.


Банк томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини кескин қисқартириш ва

кўрсатувчи корхоналарда харид қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар буйича тўловларни тезкор амалга оширишга шaroит яратмоқда.

Шу билан биргаликда, «Асака»



аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш буйича олиб борилган фаол ишлар натижасида аҳоли омонатлари қолдиги 2016 йил 1 ноябрь ҳолатига келиб, 747,0 миллиард сўми ташкил этди. Омонатчилар сони 1 845,8 минг нафардан ошди. Бу эса аҳолининг «Асака» банкка бўлган ишончи янада ортаётган-



лигининг ёрқин ифодасидир. Айтиш ўринлики, «Асака» банк тақдиф этилган омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояга олинган бўлиб, омонатлар декларация қилинмади, улар буйича маълумотлар сир сақланмади ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилган.

«Асака» банк томонидан аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш буйича амалга оширилган ишлар республикамиз банк тизими раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Банклар ассоциацияси томонидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш буйича Республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан 2015 йил якуни буйича танлов ўтказилди.

Танлов якунларига қўра, «Асака» банк гўлиб деб топилди, «Аҳоли омонатларини жалб қилиш буйича йилнинг энг яхши банки» номинациясида учинчи ўринга сазовор бўлди.

Банкнинг Сурхондарё вилоят филиали «Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш буйича йилнинг энг яхши филиали» номинацияси буйича гўлиб чиқди ва иккинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, «Асака» банк томонидан жорий этилган «Қадрият» омонат тури «Миллий валютлада»ги энг яхши мuddатли депозит», деб топилди.

Ушбу ютуқларга эришиш «Асака» банк тизимидa мазкур соҳада олиб борилаётган ишларнинг турли йўлга қўйилганлигидан далолат бермоқда.

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР — ҚУЛАЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ

Мамлакатимизда пластик карталар наинки банк-молия тизими, балки республикамиз тўлов тизими истиқболини белгилувчи энг муҳим воситага айланмаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Эеро, бунинг муҳимлигини ҳар бир фуқаро яхши англамоқда ҳамда ундан самарали фойдаланмоқда.

Республикамизда пластик карталар тизимини ривожлантириш ва кенгайтиришда «Асака» банк ҳам кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Хозирда мамлакатимиз тўлов тизими ривожидa банк пластик карталари нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлиги яққол намоён бўляпти. Чунки пластик карталар биринчидан, аҳолига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, стипендия ва пенсия тўловларини ўз вақтида тўлаш имкониятини берса, иккинчидан, аҳоли томонидан коммунал тўловлар буйича қардорликлар келиб чиқшига йўл қўймаслик, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат

воситаси сифатида ҳам фойдаланишга имконият яратмоқда.

Мижозларга масофадан хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш мақсадида мобил илова орқали бир пластик картадан бошқа пластик картага маблағлар ўтказиш хизмат тури жорий қилинди.

Бу каби қулайликлар пластик карталар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини тобора кенгайтиришга хизмат қилмоқда. 2016 йил 10 ойи давомида пластик карталар орқали амалга оширилган савдо айланмалари миқдори қарий 2,0 триллион сўми ташкил қилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 572,1 миллиард сўмга ўсди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришнинг рағбатлантириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида пластик карталар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пластик карталар орқали хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида банк томонидан ўрнатилган инфоқосида ва уқли алоқа учун тўловларни тезкор амалга ошириш, ўз ҳисоб рақамидaги пул маблағлари ҳолати буйича маълумотларни олиш, пул маблағларини пластик карталарга юкляб олиш имконияти яратилган. 2016 йил 1 ноябрь ҳолатига қўра, пластик карталар орқали коммунал хизматлар учун амалга оширилган тўловлар ҳажми 96,7 миллиард сўми ташкил қилди.

Мамлакатимизнинг йирик банклари қаторида «Асака» банк томонидан сўм пластик карталарини ривожлантириш билан бирга, «MasterCard» ва «Maestro» халқаро пластик карталари орқали ҳам хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Пластик карталарнинг бундай кенг қўламли тизимининг жорий этилиши мижозларга халқаро муносабатларда, халқаро савдо, туризм ва бошқа йўналишларда ҳам хизматларнинг кенг доирасини берса, иккинчидан, аҳоли томонидан коммунал тўловлар буйича қардорликлар келиб чиқшига йўл қўймаслик, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат

Хулоса қилиб айтганда, «Асака» банк жамоаси мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, ўзининг молия бозоридaги иштирокини кенгайтиришга ва аҳолининг ҳар томонлама молиявий қўмақчиси бўлишга фаол киришган. Бу эса банкнинг аҳоли билан муносабатларини янада яхшилаб, уларнинг ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилиши табиий.

Банк материаллари асосида «Adolat» мухбири Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА тайёрлади.



НАРИМОН УМАРОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Амир Темуր ўнгилари

Очиқюзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

Ҳар бир шаҳарда masjidлар, madrasalar, хонақоҳлар куришни, мусофир, йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар куришни буюрдим.

Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан қолдирмадим.

ЭЗГУЛИК ВА АДОЛАТ ТИМСОЛИ



➤ ДЎСТЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Алишер Навоий инсониятни улуғлаб ўтган, уни ҳаётнинг буюк бунёдкори деб таърифлаган ижодкор. У ҳар доим саховатпеша ва оқил кишиларни қўллаб-қувватлаган, манман, ўзига бино қўйган, худпарастларни қоралаган. Фазалларидан бирида "Будпараст ўлмоқ кўп ортуғроқки, бўлмоқ худпараст", деб ёзиши бежиз эмас.

Яқинда Ўзбек миллий академик драма театрида намоён этилган "Алишер Навоий" спектакли томоша қилиш жараёнида ҳаёлимиздан ана шундай фикрлар кечди. Спектаклдаги Алишер Навоий образи талқини томошабинларни улуғ шоир шахсига янада яқинлаштиради. Спектакл намоёнишига "Ўзбекистон – Грузия" дўстлик жамияти аъзоларининг таъриф буюриши икки давлат ўртасидаги ижодий алоқаларнинг муваффақиятли давом этаяётганини кўрсатади. Алишер Навоий образининг сахнага олиб чиқилиши бу адабиётга ошно барча қалблар учун улкан ходиса, миллатнинг улуғ шоирини халққа янада яқинлаштириш сари қўйилган муҳим қадамдир.

Спектаклда ўша давр салтанатидаги можаролар, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва ноҳақлик ўртасидаги қурашлар асосида ижодкорнинг қисмати очиб берилади. Чунки ҳазрат Мир Алишер Навоий хамиша халқнинг қалбида эзгулик ва адолат тимсоли бўлиб муҳрланиб қолган. Айниқса, Навоий ва Гули ўртасидаги шик-

муҳаббат хали кўп асрлар давомида авлодлар учун ибрат бўлиб қолади. Тўғри, сахнада Алишер Навоий шахсиятини, у босиб ўтган оғир ва шарафли ҳаёт йўлини бир асар доирасида тўла кўрсатиб бериш осон эмас. Чунки шоирнинг ҳаётида шундай "кўп ва ҳўп" воқеалар содир бўлганки, улар хали йиллар давомида ўрганилади, сахнага кўчирилади. Тарихчи Хондамирнинг "Мақорим-ул ахлоқ" асаридида шундай воқеа келтирилади: "Алкисса Навоий масжиддан ҳаммадан кейин чиқар экан. Бир сафар намозни тугатиб, биринчилардан бўлиб ташқарига йўл олибди. Бир киши бу холдан ажабланиб, боисини сўраганида Навоий ҳазратлари вазминлик билан шундай жавоб кайтарган экан: "Боя таҳорат олаётганимда чопонимга бир чумоли илашди. Бечора масжиддан то инигача бўлган йўлни топиб бормамса керак, деб ўйладим. Шунинг учун уни уясига обориб қўйдим".

Чиндан ҳам шоир ҳаёти катта ва суронли воқеалар ичида ўтди. Аммо ҳаётда унинг олий ҳақиқати

кўнгилни Каъба каби асраш, унга сийғиниш бўлди. Бу ғоя шоирнинг ҳаётида ҳам, ижодидида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. У ҳеч қачон шохнинг олдида гадончи, бойнинг олдида мухтожни изза қилмайди. Дунё паст-баландликларини тенг кўради. Тил ва дил бирлигини умрининг сўнгигача сақлай олди. Бу жиҳат спектаклда ҳам ўзига хос ракурсларда очиб берилганига гувоҳ бўлдик.

Сахна кўриниши кишида ана шундай кескин кечинмаларни ёдга солади. Ҳамманинг худосаси ўзига хос. Аммо шуниси аниқки, Алишер Навоий давлат ва жамият, улус ва раият ўртасидаги одил инсон, ҳақгўй ижодкор. Рост ва ёлғон, адолат ва зулм ўртасидаги чегара шоир талқинида шунчалар ишончли очиб берилдики, томошабин унинг сажиясига, дунёқарашига тан бермай қолмайди. Баъзан аянчли манзаралар ичида қолган шоир ўз маҳбубасига қарата шундай дейди: "Азизам, дунёга бевақт келибмиз". Бу иқрор хиёнатлардан чарчаган ва ўзини талатўплар ичида ожиз ҳис қилган инсон сўзларидай янграйди.

"Ўзбекистон – Грузия" дўстлик жамияти аъзолари барча томошабинлар каторида театр жамоасининг бундай асарни сахнага олиб чиққанидан мамун бўлдилар.

Ориф НИГМАТОВ,
"Ўзбекистон – Грузия"
дўстлик жамияти аъзоси

? Ҳуқуқий маслаҳат!

— Жисмоний шахслар ўртасида кўчмас мулкни ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш учун қанақа ҳужжатлар талаб қилинади?

К.Аллаёров, Тошкент шаҳри

— Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатлар, Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида" ги қонуни, "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида" ги йўриқнома (рўйхат рақами 2090, 2010 йил 30 март) ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан расмийлаштирилиши белгиланган.

Мазкур Йўриқноманинг 136-бандига асосан мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган кўчмас мулк (уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ва бошқалар) ижарага берилишида ижара шартномасини нотариал тартибда тасдиқлашда нотариус қўйидагиларни талаб қилиши белгиланган:

- кўчмас мулк объектининг кадастр йиғмажилди. Бунда мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик даракларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда кўчмас мулкнинг умумий майдони ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган тегишли ҳужжатлардан нусха олиниб, кадастр йиғмажилдининг асли қайтариб берилади;
- ижарага берилмаган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмида доимий прописка қилинган шахслар

ҳақида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома ёки уй дафтарида кўчирма ҳамда доимий прописка қилинган шахсларнинг розилиги.

Агар:

- кўчмас мулк умумий биргаликдаги мулк бўлган тақдирда (эр-хотиннинг биргаликдаги мулк), барча эгаларининг (эр-хотиннинг) розилиги;
- васийликдаги шахсга қарашли бўлган кўчмас мулк ижарага берилганда, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги;
- хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ижарага берилганда, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни риёжлантириш давлат қўмитасининг худудий бошқармалари томонидан берилган хусусийлаштиришда розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотнома ва уларнинг розилиги;
- кўчмас мулк гаровга қўйилган бўлса, гаровга олувчининг розилиги ҳам талаб этилади;
- Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, мазкур банднинг учинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотномалар нотариус томонидан тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан идоралараро сўров орқали олинади.

Саволга Яққасарой тумани 4-сонли ДНИ нотариуси Феруза МУСАЕВА жавоб берди.

— Икки нафар вояга етмаган фарзандим бор. Ўзим Ш гуруҳ ногирони-ман. Турмуш ўртоғим хасталиқдан вафот этган. У ўлимдан бироз аввал барча мол-мулкни отаси ва укасига васият қилиб қолдирибди. Болаларимга отасининг мол-мулкidan ҳеч нарса тегмайдики?

О.Сариева, Қибрай тумани

— Фуқаролик кодексининг 1142-моддасида меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, унда мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эр ёки хотин ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонуни бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегишли лозим бўлган улушнинг ҳамда ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар деб кўрсатилган. Бу эса фарзандларингиз ҳам қонуни бўйича, ҳам васият бўйича ворислик ҳуқуқининг субъектлари таркибига киришини аниқлатади.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан, оддий уй жиҳозлари ва рўзгор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг фақат мажбурий улушдан ортқиқча қисмига нисбатан ҳаққий ҳисобланади.

Демак, фарзандларингиз отасидан қолган мол-мулкдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга.

Саволга Қибрай тумани ДНИ нотариуси Гўлназа АБДУСАЛОМОВА жавоб берди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси партиянинг Чироқчи туман кенгаши раиси

Эркин ЖУМАНОВнинг

вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислон ҲАМРОЕВ

Бўлимлар:

Таҳрир ҳайъати:

Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ

Талъат МУРОДОВ
Абдукамом РАҲМОНОВ
Собир ТУСУНОВ
Алишер ШОДМООНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 288-42-14 (144)

Навбатчи муҳаррир — Камол Матёкубов
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳати билан амалга оширилади:

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят маъноси: 100043,
Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани
«Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolat.uz adolat.uz-95@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2073-5217



4772031521009

1 2 3 4 5